




ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚУЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

Президент Ислон Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари (3-4 саҳифада)

Туркистон

Элим деб, юртим деб,



ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 2 февраль, Сешанба. № 9 (144200)

ЭЪТИРОФ

Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илми, кўрсанг ҳаёсинг келади, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай фарзандлари борлигида куч олади, онги тиниқлашади, раббатланади, кўкси тоғдай кўтарилади.

Камчилик ва нуқсонлардан қўнғим гаш бўлган пайтларда келгуси авлод, ёшлар, фарзандларимиз ҳақида ўйлайман. Шунда қўнғим ёрғ бўлади, келажакка ишончим мустақамланади. Биз ўз олдимизга қўйган мурод-мақсадларимизга етишиш гарови -- мана шуларнинг қўлида.

Ислон КАРИМОВ

ТИББИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида Ангор туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини оширишга жиддий эътибор берилган. Жумладан, «Занг» хўжалигида замонавий талаблар даражасида қурилган қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди. Шароф Рашидов номли, «Таллимарон» хўжаликлариди ҳам шундай шифо масканларини ишга туширишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Туманда 2005 йилга бориб қишлоқ фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнида замонавий врачлик пунктлари фаолият кўрсатади. Бу аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш имконини беради. Аммо, бу борада маълум муаммолар ҳам мавжуд. Бу - кадрлар

масаласидир. Масалан, Сурхондарё вилоятида ҳозир ҳар 10 минг кишига 24 нафар врач тўғри келса, Ангорда шунча аҳолига 15 нафар врач хизмат кўрсатмоқда. Табиийки, бу ҳол тиббий хизматнинг сифат ва самардорлигига таъсир этмасдан қолмайди. Урта махсус маълумотли тиббиёт ходимларининг ҳам етишмаётгани сезилаётди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурида қўзда тутилганидек, қишлоқда тиббий хизматни тубдан яхшилаш мақсадида замонавий врачлик пунктлари қурилатгани айти мўлдоқидир, албатта. Шу билан бирга уларда ишлайдиган малакали тиббиёт ходимлари етарли бўлиши тўғрисида ҳозирдан ҳам ҳаётлиқ қилинса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Сурхондарё вилояти Чори Тўхтаев, ЎЗА мухбири.

ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ



Мамлакатимиз мустақиллик байрамини илк марта ишонч-қўнғимнинг қўлига қўйиш билан замонавий врачлик пунктлари фаолият кўрсатади. Бу аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш имконини беради. Аммо, бу борада маълум муаммолар ҳам мавжуд. Бу - кадрлар

Уч эсимдан чинқмайди. 11-синфда ўқитганимда оддийгина мактаб ўқувчисининг иқтидорини мунособ баҳолаб Президентимиз менга компьютер совға қилдилар.

Турли анжуманларда тенгдошларим билан учрашаман ва Ватанимизнинг келажакдаги порлоқ юлдузларига ҳавас қиламан. 17-18 ёшли илгир-қизларнинг юрагига ўз Ватанига садоқат, эртасига умид бор!

Саккиз йиллик мустақиллик ёш бўлсада, бизга кўп нарса бери. Мукамал билим олишимиз учун етарли шарт-шароит, осуда замон. Дунёнинг эшикларини ўзбек ёшлари учун очилди. Энди эса биз шу Ватан, эзу-юрт олдида қарздоримиз. Уни нима билан ўза оламиз. Албатта муносиблик билан.

Жаҳона АБДУРАСУЛОВА, талаба

ЎЗГАРИШ ЗАМОНИ КЕЛДИ

Биз ютуқлар ҳақида кўп гапирариз, лекин камчиликларни четлаб ўтамиз. Берилган имкониятлардан тўғри фойдаланмаётган лоқайд, тенгдошларимиз афсуски учраб турибди. Утиш даври ўзига ишончи сустириб довлдиратиб, келажак олдида иккилангириб қўймоқда. Баъзилари хўжақўрсинига ўқийотибди. Натижада бу ҳол жойларда етук кадрларнинг эмас, номилгани олди маълумотли бўлган кадрларнинг манфаатига қўл келмоқда.

Уқув юртлар орасида алоқаларининг яхши йўлга қўйилмаслигини, талабаларга маънавий сабоқ бўлиши мумкин бўлган талбирлар жулкам бўлиб ўтади. Утказилганларини ҳам қайси бир ўқув муассасасини қўқларга кўтариш, бошқасини камситишдай бўлиб қолаётти.

Талаба ва домла муносабатлари ўртасида қалин девор борлигини Президентимиз қўнғим гапиргандилар. Деворни йўқотиш ўзаро ҳурмат ҳиссини йўқотиш дегани эмас. Бунда муносабатларнинг чингаллашувига биз талабаларнинг айби кўпроқ деб билдирдим. Сабаби кўп китоб ўқиймаймиз, қўшимча адабиётлардан фойдаланмаймиз, домла билан мулоқотта интилаймиз. Натижада домла

кўп нарсани билмайдиган кишига, талаба тингловчига айланади. Мулоқот, баҳс-мунозара бўлмаган жойда яхши натижага эришиш мушкул эмасми?

Талабалар орзу-ўйлари билан, уларнинг муаммоларини ечиш, улар билан дўстона суҳбат қуриш учун алоҳида вақт ажратадиган давр келди. Яқинда Тошкент давлат Педагогика университетиди Тошкент шаҳар ва вилоятда яшайдиган талабаларнинг ота-оналарини йиғилиши бўлиб ўтди. Унда университет раҳбарлари, домлар талабалар иштирокида дилдан суҳбат бўлди. Қўвончлиси шундаки, ота-оналаримиз фарзандлари тақдирини баҳар эмаслар. Нега шундай йиғилишларни тез-тез ўтказиб туриш мумкин эмас? Таълим бериш жараёнида талабаларни илмий иш қилишга жалб қилиш яхши натижаларга олиб келишни ҳаммамиз яхши биламиз. Чунки талаба буш вақтини дарсидан ташқари илмий асарлар қўйишга, керак бўлса илмий кенгашларда қатнашишга сарфлайди. Қутубоннадан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишига ўрганади.

Биз дарсдан кейин бирон бир жойда ишлайдиган талабаларимизга қаршилиқ қиламиз. Лекин кўча куйда қўлтиқлашиб юрган ота-она-

сининг пулини кафедаларда, дискотекаларда совуриб «маданий ҳордиқ» чиқарадиган ёшларимизни «қўрмай», меҳнат қилаётган талабаларимиздан-ор қиламиз.

Замон ҳар биримиздан хорижий тилларни билишни талаб қилади. Мен ҳам чет тилини ўрганишни, чет элда таълим олишни, ривожланган давлатлар таълим тизимидаги ютуқларни республикамиз таълим тизимига жорий этишни, хусусий мактабим бўлишини орзу қиламан. Бироқ факультетимизда чет тили ўқитилмайди. Бу раҳбарларимизнинг давлат дастурини бажаришдаги лоқайдлик-данми ёки дастурни тузганлар ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси чет тилини билмас ҳам бўлади, деб ўйлашадими?

Бу ва бошқа муаммоларни бирданга ҳал қилиб бўлмаслиги маълум. Бунга сиз устозлар биз талабаларнинг ўзингизга яқин ёрдамчи бўлишимизга ишонинг. Талаба тенгдошларимиз эса раҳбарларнинг буйругини қўлмасдан мустақил иш қилишга, эзу ниятлар йўлида бирлашишга ўрганишин.

Мархабо УМРЗОҚОВА

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

ЮНЕСКОнинг тарихий ёдгорликлар буйича етакчи вакили Андреа Бруно Қашқадарё вилоятида бўлиб, Қарши ва Шахрисабз шаҳарларидаги тарихий обидалар билан танишди. Унинг ташрифидан қўзлаган асосий мақсади соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган юрт - Шахрисабз шаҳрини тарихий шаҳарлар руйхатига қиритиш масаласини урганишдан иборат эди.

Меҳмон Қарши шаҳридаги Қўша Қалъа дарвозаси, қадимий Ерқўрган шаҳри урнини ҳам бориб қурди.

А.ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.

ЁШЛАР ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

Самарқанда «Имом ал-Бухорий ва ёшлар маънавияти» мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамда Имом ал-Бухорий халқаро

жамғармаси томонидан ташкил этилди. Семинар қатнашчилари дастлаб Чекла тумани Хартаг қишлоғидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида бўлилар. Ҳазрат таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан бу

ерда бунёд этилган маҳабатли зиёратгоҳ уларда катта таассурот қолдириди. Шундан сўнг Самарқанд давлат чет тиллар институтида семинарнинг илмий қисми бошланди. Унда буюк аллома қолдирган бебаҳо мерос-

нинг аҳамияти, ҳадисларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, улар қалбига улуг аждодаларимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантириш масалалари ҳақида гап борди.

Х.ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири

НАЙРОБИ. Кения пойтахтида БМТ атроф-муҳит муҳофазаси дастури бошқаруви кенгашининг ЮНЕП/ навбатдаги сессияси бошланди.

Анжуман иштирокчилари беш кун давомида атроф-муҳитнинг ҳозирги ҳолати билан яқиндан танишиши баробарида дастур доирасида ишларнинг устувор йўналишини ишлаб чиқишди. Шунингдек, сессияда ЮНЕПнинг 2000-2001 йилларга мўлжалланган бюджети қабул қилинади ва ташкилотнинг бундан кейинги фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилади.

ПЕКИН. ХХР ҳукумати бошлиғи Чжу Жунцзининг тақлифига биноан, Сент-Люсия Бош вазири Кенни Антони етти кунлик расмий ташриф билан Пекинга келди. Мазкур сафар 1997 йилда икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганидан кейинги илк ташрифдир. Музокаралар чоғида ХХР

билан Сент-Люсия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинади.

ВАШИНГТОН. АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлиги маълумотларига қараганда, 1998 йилнинг 11 ойида Америка қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосидаги фаол савдо 13,1 миллиард долларни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 1997 йилдагидан 31 фоиз камдир.

Ўтган йилнинг январь-ноябрь ойларида АҚШнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳажми 47 миллиард долларни ташкил этган бўлиб, у 1997 йилдагига нисбатан 10 фоизга камайган. Худди шу даврда импорт ҳажми эса 33,9 миллиард долларга етган.

ТЕХРОН. Эрон ўзининг Афғонистон билан chegaradosh худудларидаги ҳарбий кучларини минтақада тинчлик ва хавфсизлик тиклангунга қадар сақлаб туради. Эронда чиқадиган «Техрон таймс» га-

зетаси шу ҳақда хабар тарқатди.

Эрон ҳукумати «Толибон» ҳаракати раҳбариятидан ушбу гуруҳ жангарилари томонидан ўлдирилган Эрон журналисти ва дипломатлари қотилларини жазолашни талаб қилмоқда. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакилининг сўзларига қараганда, бугунги кунда Эрон раҳбарияти олиб бораётган сиёсат минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қаратилган.

Б А Ф Д О Д. Россиялик 100 нафар мутахассис Ироқнинг энергетика объектларини таъмирлаш учун Бағдодга келди. Маълумки, ўтган йилнинг декабрь

ойида АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳаводан Ироққа ракета зарбаси бериши оқибатида мамлакатнинг энергетика объектларига жиддий шикаст етган эди.

ПАТА-ТАСС ахборот тарқатган хабарда айтилишича, россиялик мутахассислар ушбу тадбирни «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури доирасида амалга оширади.

ЛОНДОН. Буюк Британия ҳамда унинг НАТОдаги иттифоқчилари Косово можароларини ҳал қилиш буйича Шимолий альянснинг бўлажак операциясида иштирок этади. Айти пайтда Буюк Британия ўзининг ерусти ҳарбийлари ва техникаларини Косовога жўнатиш борасида кенг кўламли

тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

ПАТА-ТАСС ахборот тарқатган хабарда айтилишича, Буюк Британиянинг Косовога жўнатилажак танк ва бошқа ҳарбий техникалари шимолий-ғарбий Германия портларидан бирида кемаларга юкланиб, Греция портига олиб борилади. У ердан эса поезд ёрдамида дастлаб Македонияга етказилади.

БОНН. Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер 9-14 февраль кунлари Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқади. У сафар давомида Исроил, Фаластин мухторияти, Ливан, Сурия, Иордания ҳамда Мисрда бўлади. Й.Фишер мазкур мамлакатлар раҳбарлари билан учрашиб, минтақадаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва унда Европа Иттифоқининг иштироки юзасидан ўзаро фикр алмашади.

Й.Фишер Яқин Шарқ сафари олдида Европа Иттифоқи, Африка, Қариб ҳавзаси ҳамда Тинч

океани минтақаси, мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан ўтказиладиган анжуманда иштирок этиш учун Сенегал пойтахтига ташриф буюради.

АНКАРА. Туркия Италия ҳукуматининг Турд ишчилар партияси раҳбари Абдуллоҳ Ужалон масаласида берган баёнотидан қониқиб ҳосил қилмаганини билдирди. Туркия ташқи ишлар вазирлиги вакили Сермет Атажанининг айтишича, расмий Анкара баёноти ҳақиқатдан узоқ, деб ҳисоблайди.

Туркия билан Италия ўртасида ўтган кунли ушбу баёнот юзасидан навбатдаги тортишув юз берган эди. Туркия Бош вазири Биолент Эжевит ишончли маълумотларга таянган ҳолда, А.Ужалон Италиядан чиқиб кетгач яна мазкур мамлакатга қайтиб бургани ҳақида баёнот берган. Ўз навбатда Италия томони бу баёнотни рад этган.

/ЎЗА/





Президент стипендияси совриндори

КОМПЬЮТЕР БИЛАН СИРЛАШГАН ҚИЗ

Маъфура ниҳоятда содда, камтарин ва самимий қиз. Орзу-умидлари, иштироки, режалари эса улуғворлик билан биргаликда эзуликка ошно бўлган. Маъфура Мирзаева -- Ўзбекистон Президентининг аспирантлар учун таъсис этган давлат стипендияларининг ахборот технологиялари ва бошқарув йўналиши бўйича 1999 йилги танловни голиби, деб топилди.

-- Маъфура, ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз. -- Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 102-ўрта мактабни тугатган, Тошкент Давлат Университетига ўқишга кирдим. Мазкур олий ўқув юртини физика ўқитувчиси мутахассислиги бўйича "имтиёзли" диплом билан битирган, университетнинг радиофизика мутахассислиги бўйича аспирантурасига кирдим. Ҳозирда ана шу ерда билимларимни янада чуқурлаштириб, илмий тадқиқотлар олиб бораётман.

-- Сиз танлаган соҳа назаримда қизлар учун унчалик ҳос эмасдек туюлади. Бу борада қандай фикрасиз? -- Агар киши танлаган соҳасини астойдил яхши кўрса, ўзини ўша мутахассисликнинг чин фидойиси, деб билса, қийинчилик унга сезилмайди. Шунинг учун ҳам вузудла келган муаммоларни енгиб ўтиш осон кечади.

-- Номзодлик диссертациянгиз ҳам билимчича ўта мураккаб мавзуда эмасми... -- Номзодлик диссертациянинг мавзуси "Лазерли ахборот тизимларини тадқиқ этиш услубиятида компютерли моделлаштириш тамойилларини тадқиқ этиш", деб аталади. Мустақиллик шарофати билан замонавий, илгор, шиддат билан ўзгараётган фанларни ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Ана шу имкониятлар номзодлик диссертацияга асосий туртки бўлди. Аслида математика, физика илмининг асл пойдеворини бизнинг буюк аждодаларимиз Абу Райҳон Беруний, Ал Хоразмий, Фаробийлар яратган-ку. Ана шу фанларни янада ривожлантириш, унинг иқтисодиётимиз, халқ ҳўжалиги, қолаверса турмушимиз фаровонлиги йўлида тадқиқ этиш биз ёшларнинг зиммасидаги энг асосий вазифадир.

-- Президентимизнинг аспирантлар

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотди. Республикаимизнинг барча меҳнаткашлари Ўзбекистонимизнинг бу фикрларини қўллаб-қувватлашмоқда. Мухбирларимиз жойларда турли касб эгалари билан ушбу мавзуда суҳбатлашди.

Инсон ҳаёти хотира билан абадийдир. Тошкентнинг Мустақиллик майдонида Хотира мажмуаси барпо этилаётгани халқимиз кўнглидаги орзуларнинг рўёби десак, янгилимаган бўлмас. Қурилиш майдончаси ёнидан ўтиб борарканман, диққатимни уч-тўрт нафар ёшлар тортди. Уларнинг айтишларича, кутубхонадан қайтишадиган экан.

Хулқар САЙДАЛИЕВА, тиббиёт билим юртининг талабаси: -- Ҳақиқатан ҳам сўнгги йиллар ичида бу ерни,

бўлмайдими? Иккинчи жаҳон уруши йилларида қандайдир қанча ўзбек ўғлонлари ҳалок бўлган, ишлаб чиқариш кор-

иборасини қўллаш жандга бўлган юртдошларимизга нисбатан адолатсизликдир. Президентимизнинг ойнаи жаҳон орқали ҳозирги қурилиш майдонида сўзлаган ҳамма гапларини диққат билан тингладим. Менимча биз фақат ўлганларни хотирлашимиз керак эмас, балки тирикларни ҳам, айтайлик ота-онамиз, кекса буви-буваларимиз ва умуман ҳозир ҳаёт бўлган барча одамларни, бир-биримизни эъзозлашимиз керак.

Улуғбек НИЗОМОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси: -- Тўғриси, бу ерда бўлаётган қурилиш ишлари-га дастлаб тушунмадим. Ие, туппа-тузук турган жой эди, яна нимаси бошқатдан таъ-

НИЗОКОВА, "Туркистон" мухбири

ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

хоналари, даладлари, одамларнинг ортини мустақамлаган инсонларчи?... Қад ростлайдиган Хотира мажмуаси ана шу жиҳатларни, яъни инсон хотираси ўчмас ва муқаддас эканидан дарак берувчи маскан бўлишига сира шубҳа йўқ.

Дилором МУСАЕВА, курилиш коллежи талабаси: -- "Номаълум аскар"

Эшқўзи ЖОНИҚУЛОВ, меҳнат фахрийси: -- Хотира деганда биз негалир кўпроқ иккинчи жаҳон уруши қурбонларини эслаймиз. Тўғри, бу уруш инсоният бошига катта кулфат келтирди. Юртимизда ундан жабр кўрмаган биронта оила қолмади ҳисоб. Лекин бизнинг бошқа хотирлайдиган, эслайдиган нарсаларимиз йўқми? Жалолидин Мангуберди кимни деб курашди? Дукчи эшон нега осилди? Жиззах кўзғолони қатнашчилари нега қурбон бўлди? Мардикорликка кетган жигарбандларимиз қаерга кўмилган? Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир ва яна юзлаб, минглаб ўғлонларимизнинг қабрлари қаерда?

Президентимиз фақатгина урушда ҳалок бўлганлар эмас, умуман юртимиз, халқимизнинг тинчлигини деб жонини берган аждодалар хотирасининг азиз эканлиги ҳақида ўринли фикр билдирдилар. Мен бу таклифни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Хотира ва Қадрлаш кўнида юртимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган инсонлар эслашимиз, хотирлашимиз керак. Шунда биз тириклар ўз инсоний бурчимизни адо этган бўламиз.

Олим АМУРОВ, муҳандис: -- Уттанларни хотирлаш ҳар бир инсоннинг бурчи. Тирикларни қадрлаш-чи? Юр-

тубошимиз шу масалани жуда тўғри кўтардилар. Халқимизнинг дунёдаги бирор миллатда учрамайдиган бир ажайиб одати бор: фарзандлар ҳеч қачон ота-оналарини ўз ҳолича ташлаб кетмайди. Аксинча, доимо уларни эъзозлаб ҳурматини жойига қўяди. Лекин бир юзу ўттиз йиллик асорат бизнинг шундай улуг аъёнларимизга ҳам соя сола бошлаган эди. Бугун ораимизда бемехр бўлиб ўсаётган фарзандлар ҳам йўқ эмас. Сўраб кўринг, мустақил турмуш кечириётган ҳамма фарзандлар

МУҚАДДАС БУРЧ

ҳам ота-онасини йўқлаб турибдимикан? Демак, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Юртубошимиз кексаларни қадрлаш деганда худди шу нарсаларни назарда тутиб бўлсалар ажабмас.

Абдусамат ҲАСАНОВ, Фавқуллода вазиятлар вазириги бошқарма бошлиғи: -- Шўролар тузуми даврида 9 майни галаба байрами сифатида нишонлардик. Шаҳарларда ҳарбий парадлар бўларди. Номаълум аскар қабрига, уруш

қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар пойнта гуллар қўйиларди. Шу билан янаги йил 9 майга ҳамма нарса унутиларди.

Яна бир мисол: яқин тарихимизда шундай пайтлар бўлдики, масжидларга бориш у ёқда турсин, қабристонларни, муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиш ҳам таъқиқлаб қўйилди. Лекин шундай шароитда ҳам Исмоил Бухорий, Баҳодудин Нақшбанд, Занги ота, Хўжа Аҳмад Яссавий каби буюк боболаримизнинг ҳоқиқий пайларни ётган жойлардан бир дақиқа ҳам одамлар қадами узилмади.

Нарзулла ЧОРИЕВ, меҳнат фахрийси: -- Қаерга борсак ёшлар ҳурматимизни жойига қўйишди. Тўю-маъракаларда давраларнинг тўри бизники. Шу эмасми инсонни қадрлаш, кексаларга, фахрийларга ҳурмат, эҳтиром. Умуман Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг бутун сиёсати инсон манфаатларига, инсонни қадрлашга қаратилган. Шунинг учун ҳам биз, кексалар ҳар бир ўтаётган кунимиз учун шукроналар айтиб яшаёмиз.

Уза/

УЗИНГДАН УЗИБ БУЛМАС

Халқимизда "Дунёдаги ишларнинг энг оғир ҳаёти тўғри кечира билишдир", деган мақол бор. Мен унинг маъини тақрир ва тақрир қақшига ўриниб кўраман. Тарихдан маълумки, юртининг гуллаб-яшнашига умрини бағишлаган одамларгина чинакам бахтли бўлганлар. Бизнинг бобокалонларимиз ҳам ўз муқаддас бурчларини бажо келтиришган, Ватанини севишган. Уларнинг ҳар кунги тинимсиз ва машаққатли меҳнатлари юртимизнинг азиз туپронига сингиб, бу Заминни улуг қилган. Ҳа, биз айни ўша авлодларимиз яшаган ва меҳнати синган тупроқда тутилиб, боёга етганимиздан ниҳоятда мағрурланамиз!

Муборак Ҳадиси шарифларда ҳам "Ватанини севмоқ иймондандир", дейилган-ку. Бугун, "Ватан менга нима берди?", деб сўрагандан кўра ўзимизга "Мен ўз Ватаним ривожига учун нима қила оламан?" деб савол бериб кўрайлик. Ушандагина инсон асл камолотга эришади ва ўша давлатнинг буюк келажаги йўлида ҳеч нима гов бўла олмайди. Ахир куч-қудрати бугун жаҳонда тан олинган Шарқнинг энг буюк донишмандлари "Бахт саодатни изласангиз топа олмайсиз, зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг -- бахтнинг ўзи келади" деб бекорга айтишмаган. Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги учун ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини бағишлаш эса бизнинг ҳақиқий инсоний вазифамиздир. Инсон диний этиқодини, касбини, ҳаёт йўлини танлай олиши мумкин, аммо у ўз тугилган оиласи ва Ватанини танламайди. Шунинг учун биз дунё илму-фани маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуг зотларга муносиб ворислар бўлмоғимиз керак. Биз Шарқ ва Ғарбни боғлаб, юртимиз довуғини жаҳонга таратган аждодаларимиз билан бениҳоя фахрланамиз. Ва умид қилайликки, кунлар келиб авлодлар бизни ҳам яхши ишларимиз билан эслашсин. Чунки биз тарихда ўчмас қолдираётган энг улуг дақиқлар билан бирга нафас олаётимиз.

Музаффар ҚАРОМАТОВ, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти тарих факультетининг II курс талабаси



АЁЛ ҚАЛБИ Танловга таклиф этамиз

Республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси билан "Аёллар йили" деб эълон қилинган 1999 йил она юртимиз тарихига ўзига хос саҳифа бўлиб кирди. Фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда аёлларимизнинг ўрни бекиёсдир. Мустақиллигимизни мустақамлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган аёлларимизга гамхўрликни янада кучайтириш мақсадида мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси ҳамда "Туркистон" газетаси тахририяти 1999 йил - аёллар йилига бағишлаб "Аёл қалби" мавзусида мақолалар танловини ўтказишга қарор қилди. Танловни ўтказишдан асосий мақсад аёлларнинг замонавий демократик жамиятдаги ўрни бекиёс эканлиги, улар юксак маънавият соҳибалари эканлигини тан олган ҳолда уларни бугунги кундаги қалб дардларини - муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилишдир.

Танлов шартлари: Мақолалар машинкаланган бўлиб, 4-5 саҳифадан ошмаслиги лозим. Танловга юборилган мақолалар сараланиб, газета саҳифаларида ёритиб борилади ва танловни ўтказиш ташкилий қўмитасига тақдим этилади. Танлов 1999 йилнинг 4 февралидан бошланади, 8 декабрь - Республикаимиз Конституцияси кўни арафасида яқунланади. "Аёл қалби" мавзусидаги мақолалар танлови голибларини кўйидаги мукофотлар кутади.

- 1-ўрин - 1 та - 10000 сўм
2-ўрин - 1 та - 8000 сўм
3-ўрин - 1 та - 5000 сўм
Шунингдек, ҳар бир 2500 сўмдан 2 та рағбатлантирувчи мукофот бор.
Қадрли муштарийлар! "Аёл қалби" мавзусидаги танловимизда барча ёшлар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.
Сизни танловга таклиф этамиз.
Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси, 32. "Туркистон" газетаси тахририяти "Аёл қалби" танловига, деб ёзишни унутманг.
Омад эф бўлсин!



ЭКСПЕРТАЛАР ТУРУҲИ СЕССИЯСИ

1 февралда Тошкентда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлади. Утган йили БМТ ҳомийлиги ва техник кўмагида ишлайётган ушбу гуруҳнинг иккинчи сессияси бўлиб ўтган эди. Улар минтақада ядро хавфсизлиги ҳудудини яратиш бўйича Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ташаббусини амалий жиҳатдан рўёбга ошириш учун ҳуқуқий асос тайёрлашга бағишланган эди. Марказий Осиё давлатлари экспертларидан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг масъул ходимлари иштирок этаяётган бу галги сессия бўлажак битим лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттиради. Минтақавий экспертлар гуруҳининг Тошкент сессияси уч кун давом этади. "Жаҳон" АА

ИБРАТ

РУСТАМ ҚАНДАЙ ТАЛАБА БЎАДИ?

Икки кундирки, Назирхон аканинг боши қотган. Ухласа ҳам, кундузи далада ишласа ҳам хаёлида ҳақли муаммо айланади. Гап шундаки, кенжатоий Рустамжоннинг билим олишига иштиёқи жуда баланд. У олий ўқув юртига ҳужжат топширдию, бироқ тест якуни чиққанда қовоғи осилиб уйга қайтди: -- Бали юқори бўлганларгина ўқишга қабул қилинади. Мен каби икки-уч бал етмай қолганлар шартнома асосида қабул қилинаркан, деди кўзида ёши йилтиллаб. Назирхон ака ўйланиб қолди. Уни қайси ташкилот бошлиғи танийдию, мана 100-150 минг сўм пул, ҳужжатини ўғлинг айтган институтга олиб бориб ўтказгин, дейди. Ошана-огайниларидан ҳам жўяли бир маслаҳат чиқмади. Шундан сўнг Назирхон ака минг истиҳола билан ўзи меҳнат қилаётган хўжалиқнинг касабга уюшма қўмитаси раҳбари Мўминжон Умаровга дилидаги гапларини айтди. -- Маслаҳат сўраб гоят тўғри иш қилибсиз. Ахир шу жамоа ташкилот меҳнаткашининг ҳақиқий суянчиги, кўмакчиси-ку. Ёшларимиз қанчалик билимли бўлса, олийгоҳларда ўқиса, яна кадрлар танқислигига ҳам йўлиқмаймиз. Эртага соат саккизларда хабар олинг. Ҳақиқатдан ҳам сизнинг хонадонингиз кўп болали, кам таъминланган оила. Болангиз иқтидори ҳақида эса эшитганим бор. Иложини топсак, сизга албатта ёрдан беришга ҳаракат қиламиз. Эртаси кўни йиғилишдан сўнг Назирхон аканинг муаммоси ҳал бўлди -- Рустамжон энди ўзи истаган олий ўқув юртида бемалол ўқийди. Хуллас, бугунги кунда касабга уюшма қўмитасининг аралашуви ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари келажаги учун қилинаётган гамхўрлик туфайли жамоа хўжалиғи билан тузилган шартнома асосида институтларда, коллежларда ўқийётган йиғит-қизлар сони талайгина. Биз сўз юритаётган Наманган туманидаги "Олти қаҳрамон" номли жамоа хўжалиғи фақат шу юмушлар билан кифояланиб қолмаётган. Мактабни битирган ва армия сафидан қайтаётган ёшларга касб-хўнаҳ ўргатиб, иш билан банд этиш хусусида ҳам бош қотирмоқда. Айтайлик, фақатгина кейинги йил ичида ёшлардан 120 нафари тракторчилик ва 60 нафари сувчилик касбига ўқитилди. Шуларни назарда тутиб, ушбу жамоа хўжалиғига ёшлар келажагига ҳеч қандай бефарқ эмаслигининг гувоҳи бўласиз. Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ

ФИКР

ЭРКАКЛАРДА АЙБ ЙЎҚМИ?

Яқинда вилоят ҳоқими Н.Мўминовнинг "Хотин-қизлар ўртасидаги турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳақида"ги Қарори чиқди. Мазкур Қарори одоб-ахлоқ масалаларига бефарқ муносабатда бўлаётган, шунингдек, аёллик шаънига доғ тушираётган хотин-қизларга ва умуман аёлларимизга тааллуқлидир. Бу яхши албатта. Ижроси бўлса ундан ҳам яхши бўлади. Лекин ўйланиб қолсан киши. Нега худди шундай чора-тадбирлар эркаклар ўртасида ишланмайди? Ахир эркакларнинг қайси-дир маънодаги иштироки бўлмаса юқоридagi ноҳуш вазиятлар ўз-ўзидан қолиб чиқмайдику. Бу икки иш баробар олиб қорилмас экан, биз жамиятимиз баданига тошиб бораётган ҳар хил хавфли "ярадан" кутула олмаймиз. Чунки муаммони ҳал қилиш учун унинг илдизи чуқур ўрганилмоғи керак бўлади. Акс ҳолда унинг иккинчиси, учинчиси... чиқаверади. Карима АШУРОВА, Бағдод тумани "Камолот" жамғармаси "Назокат фасли" клуби раҳбари

МУЧАЛ ЁШИДА МУКАММАЛ ОРЗУ

Кейинги саҳна илми Шавкат Жўраев учун омадиданда омадди келди. 5 марта Осиё чемпиони, 8 марта Ўзбекистон чемпиони...

Шулардан бири мўйилстонлик Наран Герел Оғнон билан бўлиб ўтган эди. Унга 1996 йили Жаҳон кубоғининг ярим финалида ютадиган қўйилган эди.

Унинг ўзининг энг кучли рақибигиз деб кимларни тан оласиз? -- Ўзбекистондаги ягона рақибим бухорлик Рауф Болтаев. Қозғонлиқ Конуш Жетпесов, Осиё ва Жаҳон



Спорти буювчилари Ўзбекистондаги ягона рақибим бухорлик Рауф Болтаев. Қозғонлиқ Конуш Жетпесов, Осиё ва Жаҳон

Яқинда Жаҳон кубогига бронза медали билан кифойланган эдим. Энди Россияда бўладиган учрашувларда шуни олтин медал қилиб қайтариб олиш ва энг асосийси, Швейцариядаги Жаҳон чемпионатида қатнашиб муносиб ўринлардан бирини эгаллашим.

Иносон ўзи ажайиб бир ҳилқатда. Бўлмаса, у гарчи барча муқаллас китобларда таъқиқлаб қўйилганлигига, оғти каримамда "осмон ва ердаги гаيب" -- сирларни (бийлик) Аллоҳга ҳосилдир...

Бундан кейин қизикларни ўрнатилган бўлиб, ота-онанинг айтишича у икки яшарлигидаёқ уларига келадиган меҳмон ёки йўқловчинини олдиндан айтиб бериб, ҳаммани лол қолдирган.

КЕЛАЖАК ДУНЁСИ

2004 йил -- Уларнинг томида қуёш нурларини тўплаётганларни ўрнатилган бўлиб, ота-онанинг айтишича у икки яшарлигидаёқ уларига келадиган меҳмон ёки йўқловчинини олдиндан айтиб бериб, ҳаммани лол қолдирган.

Келгилеми билан муқаббат бўлишимиз илтимос қилди-ю, кўзларини яширди. Кейин билсам "меҳрибон" ўтай отангиз "ўша қизга уйландилар бўлсан, уй рўйхатидан ўчиб кет, сендай болам йўқ - сени оқ қилиш" дебдилар.

Бундан кейин қизикларни ўрнатилган бўлиб, ота-онанинг айтишича у икки яшарлигидаёқ уларига келадиган меҳмон ёки йўқловчинини олдиндан айтиб бериб, ҳаммани лол қолдирган.

ЎЗИМИЗ ҲАҚИМИЗДА НИМА БИЛАМИЗ

360 литр, бутун умр давомида тахминан 224 миллион литр қон ҳайқилади. Бу ўртача ҳажмидаги дарёдан ўн минутда оқиб ўтаган сув ҳажмига тенг.

Бир йилда қанча ухлаймиз? Одатда одамнинг умр кеча-қундузда 8 соат ухлаш керак. Демак, бир ойда у 240 соат, бир йилда 2880 соат ёки 120 кун уйку ҳолатида бўлади.

Ушбу ҳақиқатни баъзилар билмай қолган бўлиши мумкин. Аммо бу ҳақиқатларга тўла оқий муложаларни Шарқ доминумида Луқмони Ҳақимнинг "Табобат"ида ўқиб, Сизга илдирик.

ХУСАН ҳАВОЛА ЭТДИ

КЕЧИКМАГАН АРМОН. Кечаникел ёлмида, биз ҳам кўп ошдиқлар қатори ана шу виқорли мажнунга соясиде узоқ суҳбатлар қурган эдик. Энди-чи, энди эса ана шу ерлардан ўтишга иқкимиз ҳам неғадир ҳурқиймиз.

Мен сўнгида, Ҳа, ҳа, ўтай отангиз биргина "Учрашиб юрган қизингиз бариб олиб берайман, меннинг ўз орузим бор, унинг жавобини бер" деган сўзлари Сизни осонгина мақсаднингиздан қайтарди, ийгилик гурурингизни бунди.

Ушбу ҳақиқатни баъзилар билмай қолган бўлиши мумкин. Аммо бу ҳақиқатларга тўла оқий муложаларни Шарқ доминумида Луқмони Ҳақимнинг "Табобат"ида ўқиб, Сизга илдирик.

КАСАЛЛИКНИНГ ДАВОСИ ОДДИЙ

Куйидагиларни ўқиб, балки ишонмаслигингиз мумкин. Аммо бу ҳақиқатларга тўла оқий муложаларни Шарқ доминумида Луқмони Ҳақимнинг "Табобат"ида ўқиб, Сизга илдирик.

Ўзгингизни гулоб билан чайинг, оғрик йўқолади, тишлар мустаҳкамланади. "Турпу уруғидан, бир неча дона сангиз, қичмадан қутуласиз."

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ. Бош муҳаррир: Абдуқодир НИЁЗОВ. Навбатчи муҳаррир: Г. ХОЛБЕКОВА

(Давоми. Аввали ўтган сонларда) Тахмина эса, дод солиб: "Тухтанлар! Бу машинани ёқманлар! Ичиде Мумтоз бор!" деб қичқирамиш.



булиб, ҳалиги одамларга: "Бу бевафогароғатли дамларни ҳаёлидан кечиради. Суррайё унга: "Кел энди, мен сента оналик қилайин. Амақимнинг бир ўли бор. Ўзинг билган машҳур ҳоғиз Мумтозбек, оиласидан ажрагган. Ёши сентадан каттароқ бўлсам, қирчиллама ийитилек. Давлати беҳисоб. Ушанга тега-сента, бахтингни топиб кетасан" деди.

Тахмина эридан қутилмаган тақлифни эшиттаркан, энди унинг қайлини эронлик меҳмон, йирик сармоядор Кутбиддин Саломий банд этиб қўйди.

Тахмина эридан қутилмаган тақлифни эшиттаркан, энди унинг қайлини эронлик меҳмон, йирик сармоядор Кутбиддин Саломий банд этиб қўйди. Тахмина эридан қутилмаган тақлифни эшиттаркан, энди унинг қайлини эронлик меҳмон, йирик сармоядор Кутбиддин Саломий банд этиб қўйди.

ТАҲРИРИЯТ: Бош муҳаррир -- 133-89-61. Кабулхона -- 136-56-58. Хатлар бўлими -- 133-79-69. Манзиллиқ: 700083 Тошкент, Марбултоқлар кўчаси, 32-ўй. Нашр кўрсаткичи 64607. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.